

ДЖУРАЕВ Ҳусен Хайруллоевич,
 Бухоро давлат университети
 Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа
 кафедраси доценти, тарих фанлари
 бўйича фалсафа доктори (PhD)
 x.x.djuraev@buxdu.uz
 husaynaminbuxoriy@gmail.com
 ORCID.ORG 0009-0006-9223-4980

БУХОРОДА КИТОБАТ ВА ХАТТОТЛИК САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ИСКУССТВА КНИЖНОГО ДЕЛА И КАЛЛИГРАФИИ В БУХАРЕ

THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF BOOK ART AND CALLIGRAPHY IN BUKHARA DURING

Аннотация: Мазкур мақолада Мовароуннахрда хонликлар даврида Бухоро китобат ва хаттотлик санъати тарихи, китоб ёзиш, тўплаш, беаши соҳасидаги анъаналар XVI-XVIII асрларда ҳам давом этгани, айрим хонлар махсус кутубхоналар яратгани ҳамда унда кўплаб қўлёзмалар тўпланганлиги ҳақида маълумотлар бугунги кунда ушбу санъат соҳибларини ҳаёт ва ижодларни ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Калим сўзлар: Бухоро, китобат, хаттотлик санъати, хонлик, китоб кўчириш, миниатюра, муқовасоз.

Аннотация. В данной статье рассматривается история искусства книжного дела и каллиграфии в Бухаре в эпоху ханств в Мавераннахре. Приводятся сведения о том, что традиции написания, коллекционирования и оформления книг продолжали развиваться в XVI–XVIII веках, а отдельные ханы создавали специальные библиотеки, где было собрано множество рукописей. В связи с этим изучение жизни и творчества мастеров данного искусства приобретает сегодня особую актуальность.

Ключевые слова: Бухара, переплетное дело, каллиграфическое искусство, ханство, копирование книг, миниатюра, изготовитель книжных обложек.

Abstract. This article examines the history of the art of bookmaking and calligraphy in Bukhara during

the period of the khanates in Mavarannahr. It provides insights into how the traditions of writing, collecting, and decorating books continued through the 16th–18th centuries, noting that certain khans established special libraries where numerous manuscripts were compiled. Consequently, studying the lives and creative works of the masters of this art remains highly relevant today.

Keywords: Bukhara, bookbinding, calligraphy, khanate, book copying, miniatures, book cover maker.

КИРИШ

Хонликлар даври (XVIII аср ўрталари – XIX аср охири)да Бухоро амирлиги Марказий Осиё маънавий ҳаётининг муҳим илмий-маданий марказларидан бири сифатида шаклланди. Ушбу даврда китобат ва хаттотлик санъати нафақат исломий илмлар тарғиботи, балки давлат ташкилий ҳаёти, дипломатик ёзишмалар, ҳукукий-иқтисодий ҳужжатлар айланмаси ва адабий-илмий меросни авайлаб сақлашнинг асосий воситаси бўлиб ҳам хизмат қилди.

Бухорода анъанавий қуфий, сулс, насх, насталиқ ва насхий Бухорий каби хат турлари кенг қўлланилди; мадраса ва қозихоналар ҳузуридаги китобхоналар, хусусий кутубхоналар ҳамда сарой идоравий девон (канцелярия) лари ёзув маданиятини қўллаб-қувватлади. Илмий-фикҳий рисоалар, тасаввуфий асарлар, қозиённинг аҳком дафтарлари, шажаралар, девонлар ва тарихий солномаларнинг кўплаб нусхалари кўчирилди. Уста хаттотлар номи билан боғлиқ мактаблар вужудга келиб, устоз-шогирд анъаналари орқали услубий мерос барқарор тарзда авлоддан-авлодга ўтди.

Сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар, савдо йўллари ҳамда ҳомийлик анъаналарининг даврий кучайиб-сусайиши, шунингдек, XVIII-XIX асрлардаги минтақавий рақобат Бухорода китобат ишини бир қадар ихтисослаштирди: айрим даврларда меъморий ёзувлар ва идоравий ҳужжатчилик устувор бўлса, бошқа паллаларда адабий-анъанавий девонлар ва диний матнлар нусхалаши кучайди. XIX аср иккинчи ярмидан босқичма-босқич тошбосма (литография)нинг кириб келиши қўлёзма анъанасига янги йўл ва тарқатиш имконини берди: хаттот намунаси асосида оммавий нашр амалга оширилиб, матнларнинг ижтимоий қамрови кенгайди, бироқ шу билан бирга мумтоз (классик) қўлёзма

безаги ва якка нусха маҳоратининг кадри алоҳида белгилаб турилди.

Шу тарзда, хонликлар даврида Бухорода хаттотлик ва китобат санъати диний-илмий ҳаёт, ҳуқуқий-идоравий амалиёт ва бадий зебузийнат анъаналари билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланди. Унинг етук намуналари бугунги кунда ҳам қўлёзмалар фонди ва музей тўпламларида сақланиб, Бухоро китоб маданиятининг узлуксизлик, услубий рангбаранглик ва маҳаллий мактаблар шаклланиши каби жараёнларни тадқиқ этиш учун мустақкам манба вазифасини ўтайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мусулмон Шарқ оламида азалдан китобхонлик, китобат санъати ва кутубхоналар фаолияти алоҳида ўрин тутиб келган. Ҳукмдорларнинг саройлари, йирик заминдор ва зиёли шахсларнинг хонадонлари ҳамда масжид-мадрасалар қошида кутубхоналар фаолият кўрсатган. Темурийлар давридан сўнг Ўрта Осиё ҳудудида ташкил топган хонликлар даврида ҳам ушбу соҳа ривожига маълум ютуқларга эришилган. Темурий ҳукмдорлар анъанаси давом эттирилиб, ўз саройларида мухташам кутубхоналар, китобат санъати ижодкорлари ва хаттотлар учун муносиб шароитлар ташкил этилган.

XIV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Шарқда сулолалар алмаштирилиши билан бошланган. Кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳрга юриш қилиб, 1507 йилда унинг пойтахти Ҳиротни эгалладилар. Натижада Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб чиқди, бу эса Ўрта Осиё китобат (қоғозрез, хаттотлик, саҳҳоф, миниатюра, муқовасоз) санъатининг келгусидаги ривожига таъсир кўрсатмай қолмади.

Ҳирот узоқ урушлар, тож-тахт талошлари натижасида маданият ҳамда санъат маркази бўлмай қолди. Маданий кучлар Мовароуннаҳрга ўтди. Кўчиб ўтган Ҳирот хаттот ва миниатюрачилари қаторида Шайбонийхон саройига келган [قبله الكتاب] “Қиблат ул-Куттоб” деб ном олган [میر علی تبریزی] Мир Али Табризий ҳамда унинг шоғирди [سلطان الکاتبین] “Султон ул-Котибин” [سلطان علی مشهدی] Султон Али Машҳадийни алоҳида таъкидлаб ўтиш

лозимдир. Уларнинг келиши билан шубҳасиз Мовароуннаҳр рангтасвир ва хаттотлик мактаби бойиган. Муҳаммад Шайбонийхон (محمد شیبانی خان) даври бадий ижодига янги чанқоқлик берди. Ўз ёшлигини Бухорода ўтказган Муҳаммад Шайбонийхон ажойиб хаттот бўлиб, форс, араб ва турк тилларини мукаммал билган.

Муҳаммад Шайбонийхон барча темурийлар каби маданият ҳамда санъат ҳомийси бўлган. Унинг ҳукмронлик даврида Самарқандда мадраса ҳамда кутубхоналар қурилиши бошланган. Адабий кечалар баҳслар ўтказилган. Тарих учун нодир ёдгорлик бўлиб қолган темурийлар кийимидаги Муҳаммад Шайбонийхоннинг портрети буюк мусаввир (كمال الدین بهزاد) Камолиддин Бехзод мўйқаламига мансубдир.

Шундай қилиб, Муҳаммад Шайбонийхон даврида Мовароуннаҳр хаттотлик ва миниатюра мактаби ўзининг анъанаси Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг маданий меросларини умумийлигидан келиб чиққан ҳолда характерланади.

XV асрнинг 30 - йилларидан бошлаб шайбонийларнинг пойтахти Бухоро Туронзаминдаги қўлёзма китобларни ишлаб чиқарувчи йирик марказ сифатида майдонга чиқди. Илк шайбонийлар томонидан XVI асрнинг бошларидаёқ асос солинган сулолавий кутубхонада китобларни кўчириш бўйича китобхона фаол ишлар эди. Шайбонийлардан Убайдуллоҳхон (1533-1539) унинг ўғли Абдулазизхон (1540-1549), Ёрмуҳаммад (1549-1553), Абдуллоҳ Баҳодирхон (1557-1598)лар адабий-бадий ва илмий ижодиёт, китобат санъатининг жонқуярлари, ҳомийлари сифатида маълум эдилар.

Рус шарқшуноси ва эроншуноси, филология фанлари доктори, профессор Александр Николаевич Болдырев ёзади: “Ҳасан Хожа Нисорийнинг адабий тазкираси (مذکر احباب) “Музаққир ахбоб”да (1566) айтилишича, Абдулазизхоннинг ноёб кутубхонаси бўлиб, бундай кутубхона “бу ёруғ оламнинг бирор бурчагида мавжудлиги номаълум” эди. Мавлоно Султон Мирак Муншийдек зиёли кутубхоначиси ҳам бўлиб, у шундай хуснихат ва тасвирий санъат билан машғул бўлардики, на назарий, на амалий жиҳатдан унинг чизганларини ёзиб тасвирлаш мумкин эмас”. Унинг хуснихатдаги

ва безаклардаги баёни энг яхши ҳикоя учун ҳам етишиб бўлмайдиган ҳодиса эди.[6, с. 298.]”

Шайбонийлар сулоласи китоб хазинасидан ушбу сулола хонларига бағишловлар билан тайёрланган бежирим буюртма қўлёзма китоб нусхаларининг кўпи сақланиб қолган. Улар китоб безаш санъатининг бетакрор, ўта моҳирона бажарилган намуналаридир. Кайта кўчириш учун тез-тез форс-тожик ва туркий адабиёт намуналари, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий асарларига мурожаат қилинар эди. Сержило қўлёзмаларни яратишда مير على خيراوى Мир Али Хиравий, حسين الحسينى Хусайн ал-Хусайний, محمود مذهب Маҳмуд Музаҳҳиб, محمد چهره محسن Муҳаммад Чехрах Муҳассин ва бошқа машҳур хаттот ва мусаввирлар иштирок этардилар.

Муҳаммад Шайбонийхон давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, шеърлар ёзар, хаттотлик билан машғул бўларди. Унинг қариндошларидан амакиваччаси Убайдуллоҳхон ҳам шоир бўлиб, Убайдий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Бу давр хаттотлик ва миниатюра мактабларининг хусусияти – инсон билан табиатнинг бирлиги йўсинида изоҳланади. Муҳаммад Шайбонийхон ўлиmidан сўнг давлат пойтахти Бухоро ва Самарқанд ўртасида бўлди. 1533 йилгача пойтахт Самарқандда бўлган. 1533-1539 йилларда Бухоро пойтахтлик вазифасини бажарган.

XVI - асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тадқиқодчиларнинг баён қилишларича, Бухоро ҳукмдори Мовароуннаҳрни бошқарган. Марказий Осиёнинг XVI асрдаги атоқли муаррихи, адиби ва давлат арбоби Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг (1499-1551) ёзиб қолдиришича Бухоро ҳам, худди Мирзо Султон Хусайн давридаги Ҳиротни эслатган ҳамда Ҳирот сингари илм-фан ва санъат марказига айланган[2, с. 25].

XVI - аср бошлари Убайдуллоҳхон даврида Бухорода Ҳирот маданий ҳаёт анъаналари анча жонланган: мажлис йиғилишлари, тарихий хроникалар адабий тўғараклар тузилган. Тарихга “тахтдаги дарвиш”[9, б. 119.] номи билан кирган Убайдуллоҳхон маърифатли адабий-диний маълумотга эга киши бўлган. Бухоро рангтасвир санъати усталари ишига

Ҳирот мактабининг композицион восита ва усуллари мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Ҳижрий 951 йил милодий 1544 йилига тўғри келади. “Музақкири аҳбоб” [مذكر احباب] (“Дўстлар ёдномаси”)да[26, инв. № 4282, 1438, 4374, 7760] ёзилганки: “Ва хоннинг (яъни Абдулазизнинг) бир кутубхонаси бор эдики, ўша пайтда ер юзида унга ўхшаш кутубхона бўлганми, йўқми, билмадик” (“Музақкири аҳбоб”, 46 бет)[15, б. 35.].

Замондошларининг сўзларига қараганда, Абдулазизхон олим ва шоирлар ҳомийси бўлган, “насих ҳуснихатида ажойиб хат битар, шеър ёзиш билан машғул бўлган”[18, с. 69-74.], [عزيز] “Азизий” деган тахаллус қўллаган. У машҳур Бухоро кутубхонасига алоҳида эътибор билан қараб, унга ҳомийлик қилган. Бу даргоҳ сарой маданий ҳаётининг ўзига хос маркази бўлиб, Бухоро-Самарқанд бадиий хаттотлик мактаби шаклланишида катта роль ўйнаган эди. Ана шу маърифат даргоҳи Мовароуннаҳр миниатюра рассомчилиқ мактаби шаклланишига катта таъсир кўрсатган[3, с. 369-370.].

XVIII - асрда Ўрта Осиёга Аштархонийлар ҳокимлиги ўрнатилган. Аср бошида, айниқса унинг биринчи ярмида фан ва санъат ривожланган. Бухоро ва Самарқанда йирик архитектура ансамбллари – Лаби Ҳовуз, Регистон қурилган, китобат санъати, хаттотлик, рангтасвир ва шеърят гуллаб яшнаган. Бу давр бизга таниқли хаттотлар ва миниатюрачиларни “Бўстон” ҳамда “Тулистон” мажмуа девонлар муаллифи Саъдий Шерозийларни етиштириб берган. Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Дарвиш, Муҳаммад Мурод сингари юксак дид соҳиблари ҳам шулар жумласидандир[1, б. 21.].

Қўлёзма китобларга миниатюра ишлаш узоқ давом этган бадиий жараён бўлишига қарамай, унинг тараққиётида юксалиш ва таназзул босқичлари кузатилади. XIX аср бошларидан миниатюра санъатидаги портрет жанри ўз ўрнини наққошликка бўшатиб беради. Наққошлар қўлёзма китобнинг боши ва охири саҳифаларига турли нақшлар, лавҳа, жумладан, гул тавирларини сола бошлайдилар. Жуда оз сонли мусаввирларгина миниатюра чизиш билан шуғулландилар.

Китоб ёзиш, тўплаш, безаш соҳасидаги анъаналар XVI-XVIII асрларда ҳам давом этгани, айрим хонлар махсус кутубхоналар яратгани

ва унда кўплаб кўлёмалар тўпланганлиги ҳақида маълумотлар сақлангандир. Бухоролик тарихчи Мир Муҳаммад Амин Бухорий шундай ёзади: “Шайбонийлардан Абдуллоҳхон II, Абдулазизхонлар, аштархонийлардан Субҳонқулихон ўз саройларида – Бухорода катта кутубхоналар ташкил этганлар. Умуман китоб санъати, ҳуснихат – хаттотлик, миниатюра соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Бухоро хаттотлик мактаби фаол равишда ўзини танитди.[14, 685.]”

Бухоро ислом дини марказларидан бири сифатида машҳур эди: Абдулазизхон ва Абдуллоҳхон саройида бадиий безакли нодир асарлар тўпланган кутубхона мавжуд бўлган. Бу ерда моҳир хаттотлар ва миниатюрачи рассомлар ишлаб, кўлёмза, адабиёт, тарих ва бошқа фанлар соҳасида яратилган асарларни кўчириш, безаш ва китоб ҳолига келтириш билан машғул бўлганлар.

Шайбонийлар даврида маданият, айниқса улардан Убайдуллоҳхон ва Абдуллоҳхон II ҳукмронлик қилган йилларда Бухоро хонлиги иктисодий ва маданий ҳаётида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Ҳунармандчилик тараққий этди: темир ва чўян қуйиш, қуроляроғ, мис ва жез идишлар ясаш, тўқимачилик, қоғоз, совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Адабиёт, тарих, таржимонлик, луғатчилик, меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва бошқа раванқ топди: [مذكر الاحباب] «Музаққир ул-аҳбоб» (Ҳасанхожа Нисорий), [تذکرات اوش] «Тазқират уш-шуаро» (Мутрибий), [نام] «Шайбонийнома» (Муҳаммад Солиҳ), [شيبانی] «Зубдат ул-асрор» (Абдуллоҳ ибн Муҳаммад), [عبدالله نامه] «Абдуллоҳнома» (Ҳофиз Таниш Бухорий), [بدوى الوقاع] «Бадоеъ ул-вақоеъ» (Зайниддин Восифий) каби йирик адабий ва тарихий асарлар яратилди, луғатлар тузилди (Амин Аҳмад Розий – [هفت اقلیم] «Ҳафт иқлим» ва бошқалар, Рашидуддин Фазлуллоҳ ((جامع) «Жомеъ ат-таворих») ва Шарафиддин Али Яздий ([ظفرنما] «Зафарнома»)нинг тарихий асарлари узбек тилига таржима қилинди. Мусиқа, хаттотлик [میر علی، نجم الدین بخاری، سلطان علی، احمد حسینی، میرحسین الحسینی، سلطان علی، مشهدی، دوست محمد بخاری، محمود بن اسحاق الشهابی] (Кавкабий Нажмиддин Бухорий, Мир Али Ҳиравий, Аҳмад Ҳусайний, Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний, Султон Али Машҳадий,

Дўстмуҳаммад Бухорий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихобий ва бошқалар) юкори даражада ривожланди. Тасвирий санъат юксалиб, Бухоро миниатюра мактаби вужудга келди. Кутубхоначилик (Абдулазизхон, Абдуллоҳхон II кутубхоналари ва бошқалар), китоб безаш ва муковачилик ривожланди. Тиббиёт илми тараққий этди [محمد حسین بن المراقی سمرقندی، [شاه علی بن سلیمان، سلطان علی و دیگران] (Муҳаммад Ҳусайн ибн ал-Мироқий Самарқандий, Шоҳ Али ибн Сулаймон, Султон Али ва бошқалар), йирик шаҳарларда шифохона (дорўшшифо)лар ташкил қилинди. Бу даврда меъморлик юксак даражага кўтарилди.

XIV асрдан бошлаб шаклланиб келган Бухородаги ҳуснихат (хаттотлик) ва миниатюра XVII-XVIII асрларга қадар Шарқда ўз етакчи мавқеини сақлаб келди ва бошқа мусулмон Шарқидаги бу санъат ривожига катта таъсир кўрсатди. XVI-XVII асрларда ижод этган машҳур ҳуснихат ва миниатюра ижодкорларидан [میر علی، سلطان علی، خراوی] Мир Али Хивравий, [محمود بن اسحاق] Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шихобий, [عبدالله] Абдуллоҳ, [محمد مراد سمرقندی] Муҳаммад Мурод Самарқандий, [دوست محمد بخاری] Дўст Муҳаммад Бухорий кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Дўст Муҳаммад Бухорий ҳуснихат назарияси бўйича махсус рисола ҳам ёзган. Хусусан, шу даврларда [عبدالخیر خان تاریخ] «Таърихи Абдулхайрхон» («Абулхайрхон тарихи»), [تأویحی گوزیدای نصرتنوما] «Таворихи гузидаий нусратнома» («Ғалаба ҳақида танланган тарихлар»), Алишер Навоий асарлари рўйхати кабиларнинг чиройли кўчирмалари ва уларга ишланган миниатюралар ўз даври санъатининг олий намуналари ҳисобланади.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фан, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Қашғар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада бўлди, ўзаро таъсирда ривож топди. Бошқа ўлкалардан Мовароуннаҳрга турли зиёли, маданият арбоблари келиб ўз фаолиятини давом эттирганидек, Бухоро, Самарқанд каби турли шаҳарлардан чиққан олим, донишманд, санъат арбоблари бошқа мамлакатлардаги маданий оқимда иштирок этдилар.

Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Ҳалим Ҳожиёвич Тўраев

китобат ва миниатюра санъати ҳақида шундай маълумот келтиради: “Хирот Шайбонийхон кўл остига ўтгач, теурий Султон Ҳусайн саройидаги мусаввирлар Бухорога келиб ижод қилишни давом эттирадилар. XVI-XVII асрлар Бухоро миниатюра санъатининг гуллаган даври ҳисобланади. Чунки миниатюра ҳам кўлэзма китобнинг таркибий қисми. Китобларга миниатюра ишлашда мусаввирнинг хизматлари бекиёс. Бухоролик мусаввир Жаҳонгир Бухорий бошқа бир мусаввир, яъни Пир Сайид Аҳмад Табризийнинг устози бўлган. Пир Сайид Аҳмад Табризийдан эса Шарқнинг машҳур мусаввири Камолиддин Бехзод таълим олган. Шу биргина ҳолатнинг ўзи Бухоро миниатюра санъати анъаналари Ўрта аср Хирот миниатюра мактабининг ташкил топишига таъсир этганини кўрсатади.[21, б. 119.]”

Масалан, Туркияда миниатюра санъатининг ривожиди Марказий осийлик санъаткорлар пешкадамлик қилдилар. Академик Василий Владимирович Бартольд бу ҳақда шундай ёзади: “Туркистоннинг Олд Осиёга бўлган таъсири қанчалик узоқ давом этгани шу фактдан маълум бўладики, Султон Боязид II даврида (1481-1512) рассомлик санъатини дастлаб Туркияга келтирган киши ўзбек санъаткори Бобонаққош эди”[5, б. 223.]. Бобонаққош турк миниатюрачиларининг устози бўлиб танилган эди.

Шайбонийхон томонидан наққош Ғулом Шоди Қозон хони Муҳаммад Амин саройига унинг илтимосига биноан юборилади. Шунингдек, XVI асрнинг иккинчи ярмида буюк бобурий шоҳлардан Акбар саройига Самарқанд усталари Муҳаммад Мурод ва Муҳаммад Нодирлар сафарбар этилган эди. Эрондан қатор олим-фозиллар, санъаткорлар диний шароитнинг ноқулайлигидан қочиб ёки ўз ихтиёрлари билан Мовароуннаҳр шаҳарларига келиб жойлашиб қолдилар. Шоирлар [فيض الله] Зайниддин Восифий, машҳур хаттотлар [خزہ محمود] Хўжа Маҳмуд, [سید احمد مشہدی] Сайид Аҳмад Машҳадий, юқорида қайд этилган [میرزاجون شیرازی] Мирзажон Шерозий, [قرہ باغ] Қорабоғий кабилар шулар жумласидандир.

Китобат санъатига дахлдор шахслардан бири Мир Маъсум Оламиён амир Ҳайдар (1800-1826) замонида Ахлоқи Мухсини кўлэзма

асарига ва Саъдий девонига лавҳа ва нақшлар ишлаган. Бадий муқовалар тайёрлашда ҳам унинг ўрни бор. Шоир ва мунший Мирзо Содик Жондорий амир Насруллоҳхон (1826-1860) даврида Ҳофиз Шерозий ва Саъдийнинг қайта кўчирилган кўлэзма асарларини жанрли композицион нақшлар, гул тасвирлар билан безаган[21, б. 121.].

Китобат санъатини хаттотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бухоро хаттотлари бу соҳада доимо намуна бўлиб келган. XIII асрда Бағдодда яшаб сулс хатида ижод қилган (جمال الدين يوكوت) Жамолиддин Ёкут хаттотлик тарихида [کفیه] куфий хатининг ислоҳчиси сифатида машҳур. Маълумки, сулс хатида кўпинча Қуръон матни ёзилиши баробарида, ундан меъморий обидаларда ҳам фойдаланилган. Бухоролик хаттотларидан (داست محمد، دروش محمد، محمد امين خلوي، مير عبيد بگودليک خطوت جمال الدين يوكوت) Дўст Муҳаммад, Дарвеш Муҳаммад, Муҳаммад Амин Ҳалвойи, Мир Убайд бағдодлик хаттот Жамолиддин Ёкутнинг кейинги издошлари саналган. Умуман, хаттотлар араб ёзувини санъат даражасига кўтаришган. Бухоро хаттотлари эса [هفت قلم] “ҳафт қалам”, яъни ҳуснихатнинг [سولس، مخاکک، نسخ، نوکه، ریکو، تالک، نستعلیق] сулс, муҳаққак, насх, тавқеъ, риқоъ, таълик, настаълиқ каби етти тури бўйича қалам сура оладиган маҳорат соҳиблари эди. Ҳуснихатнинг бу асосий турларидан ташқари [کوفی، دوانی، شیکاستا، ریحانی] куфий, девоний, шикаста, райҳоний ва бошқа қатор кўринишлари бўлиб, хаттотлар уларни ўз ўрнида ишлатишган[10, б. 52-53.].

Мир Ҳусайн Қўлангийи – XVI асрда яшаган хаттот ва тариқат аҳли намояндаси. У хиротлик машҳур хаттот Мир Али Табризийнинг шогирдларидан бўлган. Кейинчалик тариқат аҳлига хизмат қилиб уларнинг рисола ҳамда асарларини насх ва настаълиқ хатларида нусхалар кўчириб берар эди. У Мир Али Табризийдан куфий, райҳоний, сулс, насх, настаълиқ хатларини мукамал ўрганади. Мир Ҳусайн Қўлангийи عبد الرحمن جاملى Абдурахмон Жомийнинг [لواح “Лавоих”] [28, б. 506.] (Лойихалар) асарини чиройли настаълиқ хатида кўчирган. Асар нодир кўлэзма бўлиб XVI асрда кўчирилган. Асарда улуг машойихларнинг тасаввуфга доир сермазмун сўзлари нафис иборалар билан баён қилинади. Мир Ҳусайн

Кўлангий ҳақида батафсил:[13, б. 21-22.; 23, 695. вар.; 12, с 460.; 17, б. 70.].

Мир Али Ҳиравий (Фатҳободий) – Мир Али Котиб Ҳиротда туғилиб, кейинчалик Бухоро шаҳрининг Фатҳобод мавзеида умрининг охирга қадар яшаган. Мавлавий Жомийнинг [سجّات الابور] “Субҳат ул-аброр” асари[27, б. 19.]. Жавоҳир рақамли зарринқалам котиб, яъни замон ягонаси ҳамда даврон ноидири, жаҳон котибларининг бошлиғи, ўз даври хаттотларининг пешвоси, олам хушнависларининг пешқадами, бани Одам хушхатларининг қибласи, мумтоз хаттотлар устози, хушнавислар аълоси, чакқон қўлли хаттотлар тан берган, нозик рақамли қалам эгаси, санъаткор котиб, моҳир сўзамол, қалам иқлимининг ҳоқими, хат ўлкасининг амири, ойдin китобат соҳаси асосчиси Мавлоно Мир Али Котиб Фатҳободий хати билан битилган[8, б. 43.].

Мир Али Ҳиравий Нақшбандий тариқати ихлосмандларидан бўлиб, عبد الرحمن جاملى Абдурахмон Жомийнинг تحفة الا حرار “Тухфату-л-аҳрор”[29, 49 вар.] (Аҳрорлар учун тухфа) асарини Акбаробод (Ҳиндистонда) чиройли наътилик хатида кўчирган. Бу назмий асар Жомийнинг “Ҳафт авранг” китоби таркибига кирган бўлиб, у 20 мақоладан иборат, ҳамду сано, наът, салавот, илтижо, ҳақиқат, вужуд, меърож, мўъжиза, нури илоҳий каби ибораларга тасаввуф нуқтаи назаридан изоҳлар берилган. Мир Али Ҳиравийнинг ўз қўли билан ёзган нодир китъаси моҳир хаттот Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг шахсий коллекциясида сақланмоқда. Мир Али Ҳиравий (Фатҳободий) ҳақида турк олими Ҳабибнинг “хат ва хаттотлар”, профессор Б.Н. Заходернинг “Хаттотлар ва мусаввирлар ҳақида” ҳамда “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” манбушунос олим, хаттот Абдулқодир Муродовнинг тадқиқотларида маълумот келтирилган[25, 209. вар.; 12, с. 460.; 17, б. 64-70.].

Шоҳ Ҳусайн ибн Исомуддин Бухорий – XVI асрда яшаган тасаввуф илми соҳиби, насх ва наътилик хатида кўплаб китоблар кўчирган моҳир хаттот. У Бухоро хаттотлик мактабининг асосчиларидан бири машҳур хаттот Мир Али Ҳиравий (Фатҳободий)нинг шогирдларидан бўлган. Мир Али Ҳиравийдан насх ва наътилик хат услубини яхши ўрганиб, кейинчалик

тасаввуф пирлари хизматида бўлиб, айниқса ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ҳожагон Нақшбандия” таълимотига асосланган ҳикматомуз рисоаларини наътилик хатида гўзал кўчирган хуснихат соҳиби бўлган.

Бухоро хаттотлик мактабининг вакилларида моҳир хаттот Миракшоҳ XVII асрда фаолият кўрсатган. Миракшоҳ – Мир Али Ҳиравийнинг шогирдларидан бўлиб, Бухорода яшаб ижод қилган. Абдуллоҳ II учун махсус ёзилган хат аввалида: دار مدحی حضرت زلی سبحانی “Дар мадҳи ҳазрат Зилли Субҳоний”, яъни “Субҳон (Аллоҳ)нинг ердаги “соъси” бўлмиш ҳазрат мадҳида” – деб ёзилган бўлиб, охирида: بندای درگوهی گنپانوه میراکشاهو “Бандаи даргоҳи гетипанох Миракшоҳ” – сўзлари битилган. Ушбу хат мадҳ этувчи китъа бугунги кунда моҳир хаттот Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг шахсий кутубхонасида сақланиб келинмоқда[16, б.187-220.].

Бухоро хаттотлик мактабининг ёрқин вакили ҳамда янги хат ихтирочиси ва хаттотлик санъатининг етти хат турида ниҳоятда гўзал ёзган моҳир хаттот Мавлоно Низомиддин Бухорийдир. У доимо вақтини олий маком Абдулфаттоҳ Баҳром Мирзо кутубхонасида ўтказган. Унинг исмини, шоир Фазоилий олтига машҳур хаттотлар қаторида Мавлоно Низомиддин Бухорий томонидан шеърӣ бир китъани тирноғи билан ёзилганлигини Баҳром Мирзо айтиб ўтган[24, с. 324.; 3, с. 106.]. Яъни, Баҳром Мирзо унинг “хати ноҳун”ига ишора қилган. Абдулфаттоҳ Баҳром Мирзо: “У сулс хатини барча қоидаларга риоя қилган ҳолда бармоғи учида ёзар эдики, хатто қамиш қалам ҳам унинг олдида ожиз эди[3, с. 108.].” – деб эътироф этган.

Қулмуҳаммад Бухорий – XVII асрда яшаб ўтган хаттот ва тасаввуф илми билимдони бўлган. Шоҳ Ҳусайн ибн Исомуддин Бухорийнинг шогирдларидан бири ҳисобланган. Қуфӣ, райҳони ва сулс хатида ёзишни жуда яхши билган.

Муҳаммадамин Бухорий Ҳалвоӣ – атоқли, номдор хаттот бўлиб, етти қалам билан кўчирувчи, айниқса, насх хатида шухрат қозонган. نسخ بخارى “Насхӣ Бухорий” хатининг ихтирочиси Мир Убайд Бухорий унинг шогирдларидан бири ҳисобланади. Ўз даврида бошқалардан юқори турар, халққа танилган

кўп гўзал қўлёзмалар қолдирган. У кишининг отаси ҳалвопазлик билан шуғуллангани учун “Ҳалвой” деб нисбат берилган. У 1543 йилда Бухорода вафот этган[27, б. 257.].

XVI-XVIII асрлар давомида адабиёт, шеърят билан бир қаторда тарихшунослик, фикх, фалсафа, хаттотлик илми каби соҳаларда ҳам ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

XVI-XVII асрларда яшаб ижод қилган бухоролик машҳур хаттот Мир Убайд Бухорийдир. У хаттотлик санъати ҳамда илм-маърифатга ёшлигиданоқ интилиб, ўз даврининг забардаст хат ихтирочиси ҳамда олими даражасига кўтарилган. Бухоро ҳукмдори Убайдуллоҳхон (1533-1539) саройида бош котиб ҳамда мирзамунший бўлиб фаолият кўрсатган. Ўша даврнинг талабларига биноан бундай лавозимга тайинланган киши араб, форс ҳамда туркий тилларини мукаммал билиши, мумтоз адиб-шоирлар, муаррихларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг сийрати ва меросидан, шунингдек, тафсир, ҳадис ҳамда фикх илмларининг сир-асрорларидан бекаму кўст бохабар бўлиши лозим бўлган. Ушбу хислат ва билим моҳир хаттот Мир Убайд Бухорийда мужассам бўлган.

Бухоро ҳукмдори Убайдуллоҳхон шоир ва давлат арбоби сифатида хаттот Мир Убайд Бухорийни жуда эъзозлаган, ўзининг уч тилда ёзилган шеърӣ девонини кўчиришни Мир Убайд Бухорийга ишониб топширган. Бухоро ҳукмдори Убайдуллоҳхон девонининг Туркиядаги нуқсонли қўлёзмасини инобатга олмаганда, дунё миқёсида нодир қўлёзма ҳисобланадиган ўша асарнинг бирдан-бир нусхаси ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида ҳозиргача сақланиб келинмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, хонликлар даврида Бухоро нафақат сиёсий ва диний марказ, балки китобат ва хаттотлик санъатининг муҳим ўчоғи сифатида ҳам юксак тараққий этди. Бу даврда мадрасалар, кутубхоналар ва илм аҳллариининг кўпайиши қўлёзма китобларга бўлган эҳтиёжни оширди. Натижада хаттотлик санъати ривожланиб, куфӣй, сулс насх, насталиқ ва насхӣй Бухорий каби ёзув услублари кенг қўлланилди.

Бухоролик хаттотлар нафақат Қуръон

ва диний асарларни, балки тарихӣй, бадиӣй ва илмӣй манбаларни ҳам юксак маҳорат билан кўчириб, миллий маънавий мероснинг сақланишига катта ҳисса қўшдилар. Китоб безағи, миниатюра ва мукова санъати билан уйғунликда китобат маданияти янада бойиди.

Шу тариқа, хонликлар даврида Бухорода китобат ва хаттотлик санъати миллий маданият, маърифат ва эстетик тафаккурнинг ажралмас қисми сифатида шаклланиб, кейинги авлодларга бой маънавий мерос қолдирди.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев С., Маҳмудов А. XII – XIX асрларда Шарқ миниатюрасини ўқитиш методлари ҳақида очерклар. – Бухоро, 1995. – Б. 21.
2. Абдурахман Джами. Саламан и абсаль. Вводные статьи К.С. Айни и М.М. Ашрафи. – Душанбе: Ирфон. 1977. – С. 25.
3. Акимовский О.Ф. Библиотека Шибанидов в Бухаре XVI в. // Известия АН Республики Таджикистан. Серия: востоковедение, история, филология 1/25 (1992). – С. 369-370.
4. Акимовский О.Ф. Казим Ахмед б. Хусайн ал-Хусайни Куми. Трактат о каллиграфиях и художниках. – Москва: Садр. 2016. – С. 108.
5. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. в 9-и томах. – Москва: Восточная литература, 1963. Т. II. Ч. 1. – Б. 223.
6. Болдырев А.Н. Тазкире Хасан Нисари как новый источник для изучения культурной жизни Средней Азии. // Труды отделения Востока Государственного Эрмитажа. Т. 3 – Ленинград, 1940. – С. 298.
7. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси. Араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўрганиш илмӣй марказида.
8. Джураев Х.Х. Бухоро хаттотлик мактаби тарихи ва унинг маданий ҳаётга таъсири. // тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. – Б. 43.
9. Джураев Х.Х., Баротова З.С. Бухоро ва Ўрта Осиёда миниатюра мактаблари // “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020 ISSN 2181-063X – Б. 119.
10. Жўраев Х. Беназир санъат мутлоаси. – Тошкент: Наврўз, 2014. – Б. 52-53.
11. Исмаилова Э. Искусство оформления среднеазиатской рукописной книги XVIII-XIX вв. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 27-28.
12. Кози Ахмед. Трактат о каллиграфиях и

- художниках. Введение, перевод и комментарии проф. Б. Н. Заходера, –М.–Л.: Искусство, 1947. 460 с.
13. Махдий Баёни. Пайёми навин. – Техрон, 1961. – Б. 21-22.
 14. Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдалла-наме / Пер. А.А. Семенова. – Ташкент: АН УзССР, 1957. Directmedia, 13 мар. 2013 г. - Всего страниц: 685.
 15. Музакири аҳбоб – (“Дўстлар ёдномаси”) / Форс-тожик тилидан ўзбек тилига Исмоил Бекжон таржимаси. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – Б. 35.
 16. Муракка (XVI аср) – Жўраев Ҳ. Фихрист – Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва унинг кутубхонаси. Бухоро. – 1441. 1 муҳаррам. / 2019 31 август. № 38 рақам остида қайд этилган. – 187-220 б.
 17. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 64-70.
 18. Норик Б.В. Библиографический словарь. ... – С. 69-74. Қаранг: Ўзбекистон обидаларидаги битиклар: Бухоро. – Т.: Uzbekistan Today. 2016. – Б. 15.
 19. Раҳманкулова М. Ўрта Осиёда муқовасозлик тарихи (XV-XIX асрлар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2020 – Б. 19.
 20. Ремпель Л.И. Далёкое и близкое (Бухарские записи). – Ташкент: Изд-во литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1982. – С. 255.
 21. Тўраев Ҳ.Ҳ. Бухоро китобати тарихидан. Markaziy Osiyo xalqlarining qadimgi va oʻrta asrlarda yaratilgan yozma yodgorliklari manbashunosligi. // ilmiy anjuman toʻplami. – Т.: 2023. – Б. 119.
 22. Тўраев Ҳ.Ҳ. Бухоро китобати тарихидан. Markaziy Osiyo xalqlarining qadimgi va oʻrta asrlarda yaratilgan yozma yodgorliklari manbashunosligi. // ilmiy anjuman toʻplami. – Т.: 2023. – Б. 121.
 23. Убайдуллоҳон. Девони Убайдий. ЎзФАШИ, инв. № 8931. 695. вар.
 24. Фазоилий. – С. 324.
 25. Ҳабиб, Хат ва хаттотон. ЎзФАШИ, № 3640, 209. вар.
 26. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди. (инв. № 4282, 1438, 4374, 7760).
 27. Шарифжон Маҳдум. Рисолаи хаттотон. ЎзФАШИ, инв. № 2460. – Б. 257.
 28. عبد الرحمن جامی – Абдурахмон Жомийнинг لوائح Лавоих. ЎзФАШИ, № 8932. XVI аср. 21 вар. 31x19. нодир қўлёзма, СБР, VI., – Б. 506.
 29. تحفة الاحرار عبد الرحمن جامی Абдурахмон Жомийнинг
 30. Khusen Djuraev. Analysis of Philosophical Dimensions in the Context of the Problem of Equality and Justice in Society. <https://ijchr.net/journal/article/view/348>

Тухфату-л-ахрор. ЎзФАШИ, № 2298. 1041/1631 й. 49 вар. 22,7x14,5. СБР, II т.